



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2011 йил 5 апрель, № 66 (5233)

Сешанба

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ТЕКШИРИШЛАРНИ ЯНАДА ҚИСҚАРТИРИШ ВА УЛАР ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БОРАСИДАГИ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

“Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастурига мувофиқ ҳамда давлат ва назорат органларининг қорхоналар молия-хўжалик фаолиятига аралашувини тубдан қисқартириш, текширишларни ташкил қилиш тизимини янада такомиллаштириш ва мансабдор шахсларнинг улар фаолиятига асоссиз аралашуви учун жавобгарлигини кучайтириш, шу асосда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини кучайтиришни таъминлаш мақсадида:

1. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ: янги ташкил қилинган кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолияти улар давлат рўйхатига олинган пайтдан бошлаб дастлабки уч йил мобайнида режали солиқ текширишларидан ўтказилмайди (акциз солиғига тортиладиган товарлар ишлаб чиқарувчи кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш, шунингдек, бюджет ҳамда марказлаштирилган маблағлар ва ресурслардан мақсадли фойдаланиш билан боғлиқ текширишлар бундан мустасно);

2011 йилнинг 1 апрелидан то 2014 йилнинг 1 апрелигача бўлган даврда солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўла келаётган, шунингдек, ишлаб чиқариш суръатларининг барқарор ўсиши ва рентабеллигини таъминлаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини солиқ соҳа-

сида текшириш тақиқланади (юридик шахсларни тугатиш чоғида, кўзга тилинган жиноий ишлар доирасида, шунингдек, бюджет ҳамда марказлаштирилган маблағлар ҳамда ресурслардан фойдаланиш билан боғлиқ режадан ташқари текширишлар бундан мустасно);

кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиқ соҳасида текшириш муддатларини қонун ҳужжатларида уларни ўтказиш кўзда тутилган максимал муддатдан, яъни 30 календарь кунидан ортиқ муддатга узайтирилишига йўл қўйилмайди.

2. Назорат қилувчи идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши (Ш. М. Мирзиёев) назорат қилувчи идоралар билан биргаликда бир ой муддатда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш тартиб-қоидаларини такомиллаштириш ва соддалаштириш борасидаги аниқ чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин, уларда қуйидагилар назарда тутилсин:

тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини (солиқ тўловини томонидан тақдим этиладиган молия ва солиқ ҳисоботини таҳлил этиш асосида) камерал назорат қилиш ҳамда дастлабки тарзда ўтказилган камерал назорат натижалари бўйича солиқ қонунчилиги бузилиши аниқланган ҳолларда текширишлар (тафтишлар)ни ташкил қилишни кенг жорий этиш;

солиқ қонунчилиги бузилишларининг тизимли сабабларини

аниқлаш, кейинчалик уларни бар-тароф этиш юзасидан тақлифлар ишлаб чиқиш учун текширишлардан кейинги таҳлил механизмни татбиқ қилиш;

тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган текширишларни ўтказишда унификациялаштирилган назорат саволномасини ишлаб чиқиш ва мажбурий қўллашни татбиқ этиш.

3. Текширишларни бошлаш ва ўтказиш, хўжалик субъектларининг фаолиятини, шунингдек, банк ҳисоб рақамлари бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш ва бошқа худди шундай хатти-ҳаракатлар тўғрисидаги қарорлар бунлар учун Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хўжалик юр-тувчи субъектларни текшириш-ни ташкил қилишни тартибга солиш тўғрисида” 1998 йил 19 ноябрдаги ПФ-2114-сонли ҳамда “Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2005 йил 14 июндаги ПФ-3619-сонли Фармонларида белгиланган ва-колатларга эга бўлмаган мансабдор шахслар томонидан қабул қилинаётган мутлақо йўл қўйиб бўлмайди, деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ушбу масала бўйича Ўзбекистон Республикасининг Жи-но-

ят кодекси ҳамда Маъмурий жа-вобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар тўғри-сида тақлифлар киритсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси текшириш-ларни тайинлаш ва ўтказиш, тад-биркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатла-рини ҳимоя қилиш борасида ўрнатилган тартибга сўзсиз риоя этишга йўналтирилган назорат ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идора-ларининг фаолияти устидан та-сирчан назоратни таъминлаш бўйича зарур чораларни қурсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Адлия ва-зирлиги Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Мил-лий телерадиокомпанияси билан ҳамкорликда қуйидагиларни таъ-минласин:

мазкур Фармон қоидаларининг мақсади, мазмуни ва амалий аҳамиятини оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритиш; давлат идоралари томонидан тадбиркорлик субъектлари фао-лиятига ноқонуний аралашмиш ҳо-ллари оғиб берадиган, шунинг-дек, айбдор мансабдор шахслар-га нисбатан қўрилган жавобгар-лик чоралари тўғрисида радио-эшиттириш ва телекўрсатувлар-ни, республика ҳамда маҳаллий ма-тбуотда мақолаларни чоп

этишни мунтазам равишда таш-кил этиш.

6. Назорат қилувчи идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши (Ш. М. Мирзиёев) Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўми-таси, бошқа назорат идоралари билан биргаликда икки ҳафта муд-датда ушбу Фармоннинг қоидала-ри тааллуқли бўлган кичик тад-биркорлик субъектларининг мо-лия-хўжалик фаолиятини текши-ришни қайта қўриб чиқсин ва 2011 йилги текширишлар режасидан чиқариб ташласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим Фармон-ларига иловага мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Адлия ва-зирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда: қонун ҳужжатларига ушбу Фар-мондан келиб чиқаётган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазир-лар Маҳкамасига тақлифлар киритсин;

идоравий норматив ҳужжатлар-ни мазкур Фармонга мувофиқ ҳо-лга келтирсин.

9. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2011 йил 4 апрель

КОНЦЕПЦИЯ: устувор вазифалар

МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ РОЛИНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ ВА МОҲИЯТИ

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бугунги кунда ижтимоий-сиёсий барқарорликнинг қафолати ва таянчи, мамлакатимизни тараққиёт йўлидан фаол ҳаракатлантирадиган қучага айланиб бормоқда.

Юртимиз иқтисодиётида, жумладан, мулкчилик маса-лаларида, хусусий қорхона-лар, кичик бизнес ва тад-биркорликка кенг йўл очиб бериш, ишлаб чиқариш со-ҳаларини эркинлаштириш, давлатнинг назоратчилик ва бошқарувчилик вазифасини қисқартириш, унинг қорхона-лар хўжалик фаолиятига, биринчи навбатда, хусусий бизнес фаолиятига аралашу-вини чеклаш борасида муҳим норматив-ҳуқуқий база яратилган.

Айни пайтда Президентимиз Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамия-тини ривожлантириш концепцияси” мавзусидаги маъ-рузасида республикамиз иқтисодиётида кичик бизнес, биринчи навбатда хусусий тадбиркорликнинг роли ва улушини янада кенгайтириш ҳамда унинг ҳуқуқий асосла-рини мустаҳкамлашга қаратилган қонунларни қабул қилиш муҳим масалаларнинг бири эканлигини таъкидлаб ўтди. Айтиш жоизки, бугун-ги кунга келиб янги ички маҳсулот таркибида кичик бизнес ва хусусий тадбир-корликнинг улуши кўпайиб, унинг юртимиз иқтисодиёти-ни ривожлантиришдаги роли сезиларли даражада ошмоқ-

да. Мисол тариқасида, агар 2000 йилда янги ички маҳ-сулотнинг қарийб 31 фоизи иқтисодиётнинг фаол ривож-ланиб бораётган ушбу сек-тори улушига тўғри келган бўлса, 2010 йилда мазкур кўрсаткич 52,5 фоизни таш-кил этди. Бу, ўз навбатида, солиқ юқини пасайтиришга қаратилган ва изчил амалга оширилаётган сиёсат билан боғлиқ. Жумладан, 2010 йил-да микрофирмалар ва кичик бизнес учун ягона тўлов 7 фоизгача туширилгани бу-нинг амалий тасдиғидир. Би-нобарин, “Ўзбек модели”нинг таъминловчи асосида мам-лакатимизни ислоҳ этиш ҳамда модернизация қилиш бўйича ҳар томонлама ва чуқур ўйланган тадбирчи-лик тараққиёт дастурининг ҳаё-тига изчил татбиқ қилиниши мазкур соҳа ривожига долзарб аҳамият касб этаётганлиги, шубҳасиз.

Иқтисодиёти ривожланган давлатларнинг тажрибасига эътибор қаратадиган бўлсак, уларнинг иқтисодий ўсиши бизнеснинг ушбу шаклига давлат томонидан алоҳида аҳамият берилганлиги ва қўллаб-қувватланаётганлиги самараси эканини кузатиш мумкин. Масалан, Хитой давлати ҳукуматининг таъминига кўра, иқтисодиёт-нинг тўлиқ модернизацияси 2030 йилга келиб тугайди, бунда асосий ўринни кичик бизнес ташкил қилади.

(Давоми 2-бетда).

Гиждувон тумани-нинг “Сармикон” қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги Гаждумак қишлоғини вилоятда билмаган киши йўқ. Катта автомагистраль йўл ёқасида жойлашган бу қишлоқ ободлиги, орасталиги билан оғизга тушган. Қолаверса, кейинги йилларда бу ерда сервис хизматининг оқилона йўлга қўйилгани ҳам эътирофга арзийди.

Йигирмадан зиёд ошхо-на, минимаркет, кўплаб сав-до шохбчалари, деҳқон бо-зор, автомобилларга тех-ник хизмат кўрсатиш уста-хоналари, алоқа ва маиший

ҚИШЛОҚЛАРНИНГ ЗАМОНАВИЙ ҚИЁФАСИ

юрт фаровонлигининг ёрқин ифодасидир

Отажонов. — Шу боис ҳар-гал хизмат юзасидан йўлга чиққанимда, шу қишлоқда, албатта, тўхтаб ўтаман. Ил-гари бу ерда атиги битта тамаддихона бор эди. Автомобилингизда бирор носозлик пайдо бўлса, яна ўн километр йўл босиб, Гиждувон шаҳрига боришингизга тўғри келар-

Бунёдкорлик

хизмат тар-моқлари ишлаб турибди. — Узок йиллардан буюн ҳайдовчилик қиламан, — дейди ўзини хоразмлик дея таништирган Худойберган

ди. Эндиликда буткул бош-қача манзарани кўрасиз. Қишлоқнинг обод, ҳовли-ларнинг орасталигини айт-майсизми?!

Дарҳақиқат, истиқлол йилларида юртимиздаги юз-лаб қишлоқлар каби Гажду-мак ҳам обод манзилга ай-ланди. Хусусан, сўнгги бир

(Давоми 2-бетда).

МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИ — АМАЛДА

Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида ишлаб чиқилган Маҳаллийлаштириш дастури ижроси туфайли салмоқли ютуқларга эришилмоқда. Қорхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифат жиҳатидан жаҳон андозалари дара-жасида бўлиши таъминланаётгани, кўп-лаб янги иш ўринлари яратилаёт-гани, буларнинг бари аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилаш йўлида хизмат қилаётгани бунинг ёрқин ифодасидир.

Ислохот

Ушбу жараёнда Навоий вилоя-тида, айниқса, мавжуд хом ашё-дан тайёр маҳсулот ва машина-механизмларнинг қисмларини тайёрлашда катта ҳажми ишлар амалга оширилгани диққатга са-зovorдир. 2010 йилда 236,2 мил-лиард сўмлик маҳсулот ишлаб чи-қарилиб, бу борада 2009 йилда-гига нисбатан 1,6 баравар ўсишга эришилгани шундан далолат беради.

Бундан ҳам аҳамиятироғи, ана шу маҳсулотларнинг 212,5 мил-лиард сўмлиги ички бозорда сотил-ган бўлса, 665,3 минг АҚШ долла-ри миқдоридagi усуналар экспортга чиқарилди. Пироварди-да жами лойиҳалар бўйича 144 миллион АҚШ доллари иқтисод қилинди.

Маҳаллийлаштириш дастурига киритилган лойиҳалар 44 та бўлиб, шундан 42 таси Навоий кон-ме-



СУРАТДА: Навоий кон-металлургия комбинатида қарашли машинасозлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг автотранс таъмирлаш қорхонаси цех бошлиғи муовини Олимжон Муродов ёш операторлар Феруза Сайибаева ҳамда Сергей Мелашенко билан маҳсулот сифатини кўздан кечирмоқда.

таллургия комбинати, “Навоий-зот” ОАЖ, “Қизилқумцмент” ОАЖ, “Электромим” ва “Бентонит” қўшма қорхоналари ҳисобига тўғри келди. Қолган икkitаси эса кичик

бизнес соҳасида иш юритаётган “Тизол-Н” ва “Нурота Полеогон” маъсулияти чекланган жамиятла-рига тегишли эди. Улардан бирин-чисида ишлаб чиқарилаётган ба-

зальт толаси ҳам, иккинчисида тайёрланаётган мрамар кукуни ҳам тоғ жинсларидан олинмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Хорижий расмий ҳужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи Конвенцияга (Гаага, 1961 йил 5 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2011 йил 27 январда қабул қилинган Сенат томонидан 2011 йил 25 мартда маъқулланган

Хорижий расмий ҳужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи Конвенцияга (Гаага, 1961 йил 5 октябрь) қўшилишининг

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2011 йил 4 апрель № ЎРҚ—279

САУДИЯ АРАБИСТОНИДА ЎЗБЕКISTON МАДАНИЯТИ НАМОЙИШ ЭТИЛДИ

Саудия Арабистони Подшоҳлигида 25 — 31 март кунлари Ўзбекистон маданияти кунлари бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Саудия Арабистони Подшоҳлиги Маданият ва ахборот вазир-лиги ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда мамлакатимиз санъат ар-б о б л а р и

Биз ва дунё

и ш т и р о к

санъаткорла-рининг юк-

Маданият кунларининг очилишида Ўзбекистон ма-даният ва спорт ишлари ва-зирининг ўринбосари Ба-ходир Аҳмедов ҳамда Сау-дия Арабистони Подшоҳли-ги маданият ва ахборот ва-зири Абдулазиз Муҳиддин Хўжа Ўзбекистон билан Саудия Арабистони ўртаси-даги муносабатлар сиёсий, савдо-иқтисодий, ижти-моий-гуманитар соҳалар қатори маданий жаҳода ҳам изчил ривожланаётган-ини алоҳида таъкидлади.

— Мамлакатларимиз халқ-ларини қадимий дўстлик, ўхшаш маданий кадриятлар, аянба ва урф-одатлар яқинлаштириб туради, — деди Абдулазиз Муҳиддин Хўжа. — Саудия Арабистони Ўзбекистон билан ҳам-корлик алоқаларини ривож-лантириш ва мустаҳкамлаш-

га алоҳида эътибор билан қарайди. Ўзбекистоннинг жаҳон ва ислом маданияти цивилизациясига қўшган ҳиссаси беқиёс эканини алоҳида қайд этиш жоиз. Мамлакатимизда ўтказилган Ўзбекистон маданияти кун-лари ўзбек санъаткорла-рининг юк-

сак маҳорати, халқингиз-нинг бой маданиятининг яна бир намоиши бўлди.

Мазкур маданий тадбир доирасида Саудия Арабистонининг Ар-Риёд ва Жидда шаҳарларидаги маданият марказларида ўтказилган “Ўзбекистон — Ватаним меним” халқ амалий санъати ва фотокўргазмаси-да ўзбек хунармандлари то-монидан яратилган ганчор-лик, мискарлик, ёғоч ўйма-корлиги, қулоллик ва зар-дўзлик буюмлари каби амал-ий санъат намуналари, Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарлари, замонавий бунёдкорлик ишлари акс эттирилган фотосуратлар, ўзбек миллий либослари, ипақдан тайёрланган ранг-баранг матолар намоиши қилинди.

(Давоми 2-бетда).

Анъана

Жиззахдаги Ёшлар шаҳарчасида “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси, “Меҳр нури” хайрия жамғармаси, “Келажак овози” Ёшлар ташаббус-лари маркази ҳамда вилоят ҳокимлиги ҳам-корлигида “Биз — 20 ёшда” широри остида Ёшлар форуми ўтказилди.

ИҚТИДОРЛИЛАР ФОРУМИ

Унда вилоятдаги олий ўқув юртлири, касб-хунар коллежлари ва академик лицейларда таълим олаёт-ган талаба ҳамда ўқувчилар иштирок этишди. Форум доирасида тил маркази ва мунозара клуби, ёшлар теле-студиялари, ёш тадбир-корлар машғулотлари ва мақолалар танлови, “Келажак овози” акцияси, бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди.

Хусусан, бўш иш ўринла-ри ярмаркасида вилоятда-ги 40 дан зиёд касб-хунар ва халқ таълими масканла-ри, 20 дан ортиқ тиббиёт муассасалари ҳамда қорхо-на ва ташкилотлар, тадбир-корлик субъектлари ўзлари-да мавжуд иш жойлари билан иштирок этди.

(Давоми 2-бетда).

ЖАҲОН

24 соат ичида

Ҳарбий самолёт ҳалокати

Германия ғарбидаги Лауфельд шаҳрида мамлакат ҳарбий ҳаво кучларига тегишли самолёт ҳалокатга учради, дейилади "Ассошиэйтед пресс" ахборот агентлиги хабарида.



Учувчи катапультла ёрдамида жонини сақлаб қолишга улгурган, айни пайтда у шифохонада.

Бахтимизга воқеа аҳоли яшайдиган ҳудуддан бир неча юз метр узоқликда содир бўлди, — дейди маҳаллий бошқарув органи вакили Карл-Йозеф Юнк. — Акс ҳолда, катта талафот юз бериши мумкин эди. Ходиса сабаблари ҳозирча аниқ эмас.

Рейтинг яна пастлади

"Standard & Poor's" ва "Fitch" халқаро рейтинг агентликлари Ирландиянинг молиявий рейтингини пастайтирди. Бу эса ушбу мамлакатнинг кредит тўлаш лаёқати тобора ёмонлашаётганидан далolat беради.

Яқинда давлат ҳукумати вакиллари томонидан ирланд тижорат банкларининг қайта тикланиши учун яна 24 млрд. евро зарурилик маълум қилинган. Агар ушбу ҳолат давом этса, Ирландиянинг ташқи қарзлари ялпи ички маҳсулотнинг 111 фоизини ташкил этар экан. Бу эса ўзи шундоқ ҳам мураккаблашиб бораётган вазиятни янада чигаллаштиради. Давлат газнасидан ҳозиргача молия муассасаларига 70 млрд. евро кўмак ажратилган. Шунга қарамай, вазият ҳали ижобий томонга ўзгарганича йўқ.

Техник носозлик туфайли

АҚШнинг Бостон шаҳридан Кариб оролларига йўл олган "American Airlines" авиакомпанисига тегишли самолёт Нью-Йорк шаҳрига фавқулодда қўندирилди.

Манбада келтирилишича, ҳаво транспорти салонида герметиклининг бузилиши (ҳаво, сув, товуш кабилар ўтадиган бўлиб қолиши) туфайли шундай қарор қабул қилинган. Воқеа вақтида лайнер бортида 140 нафар йўловчи бўлган. Улардан ҳеч бири жароҳатланмаган.

Учар машина

Италиянинг "SpadaVetturaSport" компанияси томонидан дунёдаги энг тезуорар автомобиллардан бири яратилди.



Ушбу автомобиль биринчи марта шу йил 14 апрель куни Монакода очиладиган халқаро кўرғазмада омма эътиборига ҳавола этилади.

"Codatronca Monza" номи берилган мазкур учар машина қуввати 700 та от кучига тенг бўлиб, тезлиги ҳам шунга яраша — соатига 340 км. Унинг Европа бозорларидаги нархи 250 минг евродан бошланади.

Энг гавжум масканлар

Таниқли "The Art Newspaper" маданият нашри 2010 йилда энг кўп муваффақиятга эришган кўрғазмалар ва музейлар номини эълон қилди.

Унга кўра, XVI асрда яшаб ўтган япониялик расом Хасэгава Тохакү мўйқаламига мансуб санъат асарларининг Токио шаҳрида жойлашган Миллий музейдаги намойиши биринчи ўринни эгаллади. Уша пайтда ушбу тадбирга бир кунда 12116 нафар киши ташриф буюрган. Иккинчи ва учинчи поғонадан ҳам кунчиқар юрда ташкиллаштирилган шу каби маданият маросимлари ўрин олган. Музейлар орасида Франциянинг Луври тенгсиз, деб топилди. Ушбу маскани ўтган йили 8,5 млн. киши зиёрат қилган.

Фанга номаълум динозавр

Хитойнинг Чжучен шаҳри ҳудудида динозаврларнинг фанга номаълум тури қолдиқлари аниқланди.



Бу ҳақда "LiveScience" ахборот портали маълумот тарқатди.

Палеонтологларнинг айтишича, кўринишидан тираннозаврга ўхшаб кетадиган топилманинг баландлиги тахминан 4 метр, узунлиги 11 метрга тенг экан. Ушбу бахайбат ҳайвонга "Zhuchengtyrannus magnus" номи берилди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Бугун жаҳон оммавий ахборот воситаларида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, Ер юзида биологик хилма-хилликни сақлаш каби мавзулар кўп муҳокама этилмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Мутахассисларнинг таъкидлашича, айни пайтга келиб, сайёра-мизодаги кўплаб турдаги усимлик ва жониворлар йўқ бўлиб кетиш арасида. Шу боисдан ҳам Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан ўтган йил "Биологик хилма-хилликни асраш йили" деб эълон қилинди.

ТАБИЙ МУВОЗАНАТ

Уни таъминлашда барчадан бирдек масъулият талаб этилади.

маблағ айланаркан. Бу дунёда гиёҳванд моддалар ва қурол-яроғ савдосидан олинмайдиган даромадлар билан деярли тенг кўрсаткич ҳисобланади.

Масаланинг долзарблиги шундаки, браконьерлар нафақат ёввойи табиатнинг кўплаб турларини йўқ қилмоқда, балки бунинг таъсирида денгизларнинг экотизими ҳам жиддий зиён етмоқда. Сир эмаски, ола бугу, кабарга, кўнғир айиқ каби ҳайвонлар ва ёввойи табиатнинг яна бир қанча усимликлари Шарқ табобати учун хом ашё манбаи саналади. Хусусан, Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларида бундай ҳайвонот олами вакилларида қизиқиш жуда катта. Улардан дори воситалари олишда кенг фойдаланиб келинмоқда.

Уғринча овчилик билан шугулланувчиларнинг асосий ўлжалари филлар ҳисобланади. Ҳисоб-китобларга қараганда, браконьерлар ҳар йили 700 тоннагача фил суягини савдога чиқаришади. Хусусан, бу улкан жониворларнинг суяк ва тишларидан ясалмайдиган буюмларнинг ноёблиги уларнинг оммавий қириб юборилишига олиб келаётди. Япония ва Гонконг каби мамлакатларда бундай буюм-

лар савдоси кенг тарқалган. Бунинг оқибатида 1980 йилдан бунгигача 400 минг донна фил йўқ қилинган. Бундай улкан жониворларни ноқонуний овлаш Уганда, Кения, Танзания, Сомали, Гвинея

қарши кенг қамровли чора-тадбирлар қўлланилаётган бўлса-да, аскарлати самарасиз кечмоқда.

Жумладан, худди шундай мазмундаги қонун ҳужжатига 1992 йилнинг ноябрь ойида Сингапурда имзо чекилган эди. Унга кўра, мазкур жониворларни сотиш ёки кўрғазмага қўйиш ҳамда улардан олинмайдиган маҳсулотлар билан савдо қилиш қатъиян тақиқланган.

Худди шундай қонун Тайвань мамлакатига ҳам жорий этилган. Маълумки, ёввойи мушуклар оиласига мансуб йўлбарс, қоплон, ягуар ва оцелот (Жанубий Америка ҳудудларида яшовчи йирик ёввойи мушук) териларидан тайёрланадиган либослар ҳар қандай нозик дидли миҳозларни ҳам ўзига мафтун қилади. Бунинг асосий омилли уларнинг табиийлиги бўлса, яна бир муҳим жиҳати бир неча йиллар мобайнида сифати-

Шарқ

(Бисау), Лесото ва Свазиленд каби мамлакатларда кенг авж олгани туфайли бу ҳудудларда яшайдиган филларнинг 90 фоизи йўқ бўлиб кетган.

Браконьерлар томонидан энг кўп овланадиган ҳайвонлар рўйхатида каркидонлар кейинги ўринда туради. Бунинг боиси ушбу улкан жониворлар шохларида бўлган талабнинг катталигидир. Чунки каркидон шохидан безгак, иситма, шамоллаш каби касалликларга қарши самарали дори воситалари олинади. Шунингдек, ундан, ҳатто, бепуштлиқни даволашда ҳам фойдаланилиши ҳақида маълумотлар бор. Бу каби маҳсулотлар савдоси Гонконг, Филиппин, Индонезия, Хитой ва АКШнинг шарқий қирғоқларида кенг тарқалган. Табиати асраш ташкилотлари маълумотларига кўра, ҳозирги пайтга келиб, Африка қитъасида яшайдиган каркидонлар бата-

Шу ўринда "Битта фил ёки йўлбарснинг йўқ бўлиши билан Ер юзида ҳаёт издан чиқмайди-ку!" деган эътироз тугилиши табиий, албатта. Аммо браконьерлар фақат бу турдаги табиат неъматлари билан чекланиб қолаётгани йўқ. Биз баён қилганимиз ноқонуний равишда овланадиган ҳайвонларнинг айрим турлари, холос. Зеро, наботот ва ҳайвонот олами уйғунлиги сайёраимизда табиий мувозанатни таъминлашнинг муҳим шартидир. Буни асло унутмаслигимиз лозим.

Фозилдин АБИЛОВ.

Битирувчилар учун қулайлик

Хоразм вилоятидаги йирик автокорхоналар қошида коллеж битирувчилари учун ўқув-амалиёт хоналари ташкил қилинмоқда.

Таълим

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги худудий бўлими маълумотларига қараганда, бугунги кунда вилоятда мавжуд 91 касб-унар коллежи ва академик лицейнинг 14 тасида автотранспорт йўналиши бўйича мутахассислар тайёрланмоқда. Ўқув-амалиёт хоналарининг ташкил этилиши бўлажак автотранспортчиларнинг меҳнат жараёни билан яқиндан танишишлари ҳамда касбга бўлган қизиқишларининг кучайишига хизмат қилади, албатта. Шу бос агентлик томонидан вилоятдаги автотранспорт корхоналари ўртасида «Энг яхши ўқув-амалиёт хонаси», «Энг яхши амалиёт ўтказувчи мураббий» номинациялари бўйича танлов эълон қилинди.

Бундан асосий мақсад, ёшларда эгаллаётган касбларига бўлган қизиқишни кучайтиришдир. Бу эса, ўз навбатида, коллежни битирётган ёшларни доимий иш билан таъминлаш имконини беради.

Сарвар ОЧИЛОВ.

Бандлик

Янгиер шаҳар Бандликка қўмақлашиш маркази қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда навбатдаги меҳнат ярмаркасини ташкил этди.

Меҳнат ярмаркаси

Унда ҳудуддаги 30 та корхона ва муассаса 100 дан зиёд бўш иш ўрни билан катнашди. Яқинда 46 кишига ишга жойлаштириш учун йўланма берилди. Шунингдек, тадбир доирасида бу ерга ташриф буюрганларга касб ўрганиш тавсия этилди, меҳнат қонучилигига доир ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

Ш. ХОЛМУРОДОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

АЛОҚАЛАР ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Таъкидландики, бугунги кунда дунёнинг у ёки бу мамлакатига ишлаб чиқариш вақти кўпайиб кетган. Бу ҳозирги шиддаткор глобаллашув жараёнининг ўзига хос қоидадир. Натижада замонавий ускуна ва технологияларнинг барча соҳаларга кириб келиши уларда сифатли ахборот алмашиш ва хизмат кўрсатиш тезкорлигини таъминламоқ-

да. Мазкур жараёнда, табиийки, идора ва ташкилотлар учун принтер ҳамда нусха

Анжуман

кўчириш технологиялари ишлаб чиқариш бўйича дунёдаги етакчи компаниялардан бири ҳисобланган "ХеҒох" компанияси ҳам фаол иштирок этаётди. Мисол учун, айни пайтда у жаҳоннинг 160 мамлакатига 130 мингдан зиёд, шу жум-

ладан, Марказий Осиёда 150 та ташкилот билан ҳамкорлик қилмоқда.

Компания Ўзбекистонда 2007 йилда ўз фаолиятини йўлга қўйган бўлса-да, шу вақт ичида у мамлакатимиз бозорида ўз ўрнини топиб, иш қўламини йил сайин

кенгайтириб борапти. Ўтган йили компания томонидан Ўзбекистондаги истеъмолчиларга маълум қилинган нисбатан 25 фоиз кўп маҳсулот етказиб берилгани бунинг яққол тасдиғидир.

Компания мутахассислари талаб ва эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда, ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш борасида изланишнинг давом эттирмоқдалар.

Шоҳруҳмирзо ОДИЛБЕКОВ.

Advertisement for 'TRUBAZAVOD' featuring various pipe products with technical specifications and contact information.

Advertisement for 'Potolok-stroy-servis' offering ceiling and gypsum board services.

Advertisement for 'XALQ SÖZİ' magazine subscription information.

Advertisement for 'Россия линолеуми' (Russia Linoleum) products.

Large advertisement for the Hyundai Sonata car, highlighting its features and availability.

Advertisement for 'ENERGETIKA' power solutions, including contact details and service areas.

